

## 8-қисм - Шартноманинг махсус шартлари

## Шартноманинг махсус шартлари (ШМШ)

Қуйидаги Шартноманинг махсус шартлари (ШМШ) Шартноманинг умимий шартларини тўлдиради. Ихтилоф ҳолида, ушбу қисмда ишлатилган атамалар Шартноманинг умимий шартларида (ШУШ) ёзилганлардан устувор туради.

А. Умумий қисм	
ШУШ 1.1 (q)	Иш берувчи _____ хокимияти, _____ манзилда жойлашган «Қишлоқ қурилиш инвест» агенти сифатида ишни олиб боради.
ШУШ 1.1 (u)	Бутунлай ишларни якунлаш учун Белгиланган тугатиш санаси: Ишлар бошланиш санасидан 9 кун деб белгиланади. Пудратчига тўлов қуйидаги жадвалдаги босқичларни бажарганидан сўнг амалга оширилади: 1 босқич: Ишлар бошланиш санасидан 2 ой. 2 босқич: Ишлар бошланиш санасидан 4 ой. 3 босқич: Ишлар бошланиш санасидан 6 ой. 4 босқич: Ишлар бошланиш санасидан 8 ой. 5 босқич: Ишлар бошланиш санасидан 9 ой.
ШУШ 1.1 (aa) ва 4.1	“_____” МЧЖ Иш берувчи томонидан тайинланган Лойиҳа раҳбаридир.
ШУШ 1.1 (cc)	Қурилиш майдони _____ вилояти _____ тумани _____ қишлоғи/шаҳри _____ массивида жойлашган.
ШУШ 1.1 (ff)	Ишлар бошланиш санаси шартномага қўл қўйишдан 10 иш куни ўтгач.
ШУШ 1.1 (jj)	Ишлар «таёр ҳолда топшириш» шартларида 10 якка тартибдаги уй қуриб беришдан иборат.
ШУШ 2.2	Ўринли эмас
ШУШ 2.3 (i)	Қуйидаги ҳужжатлар Шартнома қисмини ташкил этадилар: мавжуд эмас.
ШУШ 3.1	Шартнома Рус тилида тузилади. Шартномага тегишли бўлган қонунчиқ: <b>Ўзбекистон Республикаси</b> қонунчилиги.
ШУШ 8.1	Бошка пудратчилар графиги: мавжуд эмас. Бир неча лот жойлашган умумий қурилиш майдончасида бошка пудратчилар, давлат идоралари, қомонал хизматлари ва Иш берувчи иш юритиши кутилади. Пудратчи улар билан бевосита координация қилиши ёки Иш берувчидан координация қилиш учун ёрдам сураши керак.

<b>ШУШ 13.1</b>	<p>Пудратчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларни мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1999 йил 20 декабрь 532-сонли Қарорига мувофиқ, суғурта қилиниши лозим.</p> <p>532-сонли Қарорга мувофиқ, минимал суғурта миқдор ва ажратмалар Вилоят Тендер Комиссияси томонидан белгилагади. Тавсия қилинадиган миқдорлар қуйидагича:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>а) Қурилиш объектлари, Жихозлар ва Материаллар бўйича: камида 50 миллион сум</li><li>б) Ускуналар йўқолиши ёки уларга зара етказилиши бўйича: камида 50 миллион сум</li><li>с) Шартномага тегишли бўлган мол-мулкнинг йўқолиши ёки уларга зарар етказилиши бўйича (Қурилиш объектлар, Жихозлар, Материаллар ва Ускуналардан ташқари): камида 50 миллион сум</li><li>д) шикаст ёки ўлим бўйича:<ul style="list-style-type: none"><li>і) пудратчи ходимлари учун: камида 50 миллион сум</li><li>іі) бошқа шахслар учун: камида 50 миллион сум</li></ul></li></ul>
<b>ШУШ 14.1</b>	<p>Қурилиш майдонни текшириш бўйича ҳисоботлар</p> <p>1 текшириш ҳисоботи: _____ ; 2 текшириш ҳисоботи: _____ ; ва 3 текшириш ҳисоботи: _____</p>
<b>ШУШ 17.1</b>	<p>Қуйидаги Пудратчи томонидан ишлаб чиқарилади: кулланилмайди.</p> <p>Пудратчи «Қишлоқ қурилиш лойихада» ишлаб чиқилган миллий дизайн андоза _____ ва _____ ҳужжатларга мувофиқ бўлган, _____ [вилоят лойиха институтида] томонидан тайёрланган батафсил лойиха ва ҳужжатлар билан лойиқлигини таъминлашга жавобгар.</p>
<b>ШУШ 18.2</b>	<p>Пудратчи, қурилиш ишларни бошлашдан олдин, Лойиха раҳбарининг тасдиғи учун Тан-соғлиқ, хавфсизлик ва экологияни бошқариш режасини топшириши керак.</p> <p>Пудратчи ҳамиша ўз ходимлар тан-соғлигини ва хавфсиз иш муҳитни таъминлашга қаратилган барча асосланган олдини олувчи чора-тадбирларни кўриши лозим.</p> <p>Пудратчи, лойиха доирасида ишлайдиган ишчилар учун тан-соғлиқ ва хавфсизлик дастурларни ижро этиши керак ва бундай дастурларга жинсий йўллар орқали ўтадиган, шу жумладан ОИТС/ОИВ, касалликлар тўғрисида маълумотларни киритиши керак.</p>
<b>ШУШ 19</b>	<p>Тарихий ва бошқа ахамиятга ёки юқори қийматга эга бўлган Қурилиш майдонида топилган ҳар қандай буюм Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади.</p>
<b>ШУШ 20.1</b>	<p>_____ массив, _____-сонли пакетдаги Қурилиш майдонга эгалик қилиш қуни: Иш берувчи таклифни Қабул қилиш тўғрисида хатни Иш берувчига бергандан сўнг <b>10 кун ўтмасдан</b>.</p>
<b>ШУШ 23.1</b>	<p>Бетараф ҳакамни тайинлайдиган орган: _____.</p>

<b>ШУШ 24.3</b>	Бетараф ҳакам иши соатбай асосида, солиқлардан ташқари, қуйидаги ставка бўйича тўланади: 50000 сўм. Қайтариладиган харажатлар: 1. Транспорт харажатлари 2. Турар жой
<b>ШУШ 24.4</b>	Маҳаллий пудратчилар билан бўлган битимлар бўйича низолар чиққан ҳолларда, Пудратчининг мамлақати қонунчилига мувофиқ низо бетараф ёки арбитраж ҳакамга топширилади. Арбитраж ўтказиш жойи: _____, Ўзбекистон. Чет эл пудратчилар билан бўлган битимлар бўйича низолар чиққан ҳолларда, низо амалиётда бўлган Бирлашган миллатлар ташкилоти Халқаро савдо қонунчилик комиссияси (UNCITRAL) Арбитраж қоидалари бўйича арбитражда қўриб чиқилади. Арбитраж ўтказиш жойи: Гаага, Голландия.
<b>В. Муддат устидан назорат</b>	
<b>ШУШ 25.1</b>	<b>Қабул қилиш тўғрисида хатни</b> олгандан сўнг <b>28</b> кун ичида Пудратчи <b>Ишлар графиги</b> тасдиқлаш учун топширади.
<b>ШУШ 25.3</b>	Ишлар дастурни янгилаш муддати <b>30</b> кундан иборат. Янгиланган Дастур кечикиб топширилган ҳолда <b>5 (беш) миллион сўм</b> пул миқдори ушланиб қолинади.
<b>С. Сифат устидан назорат</b>	
<b>ШУШ 31.2</b>	Пудратчи томонидан унинг иш жойдаги идорасида Лойиҳа раҳбари ёки Лойиҳа раҳбарнинг вакилларига очиқ ҳолда турган иш рўйхат дафтари юритилади. Иш рўйхат дафтарида камида қуйидаги маълумотлар ёзиб сақланади: а) Об-ҳаво шароитлари, номувофиқ об-ҳаво туфайли иш жараёни бузилишлари, иш соатлари, қурилиш майдонда жалб этилган ишчилар сони ва тури, етказилиб берилган материаллар, ишлатилаётган жихозлар, ишдан чиққан жихозлар, жойларда ўтказилган синовлар, юборилган намуналар, кутилмаган ҳодисалар ва Пудратчига берилган буйруқлар; б) Жойда текширилиши мумкин бўлган ва Пудратчига оид тўловларга тегишли бажарилган ишлар сифатий ва миқдорий элементлари ва етказиб берилган ва ишлатилган таъминлаш воситалар бўйича батафсил ҳисоботлар. с) Иш бажарилиши билан Иш рўйхат дафтарида кириталадиган ёзувлар Лойиҳа раҳбари ёки Лойиҳа раҳбари вакили ва ёнида иккинчи марта Пудратчи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.
<b>ШУШ 33.1</b>	Кафолат муддати: 365 кун.
<b>Д. Харажатлар устидан назорат</b>	

<b>ШУШ 42</b>	<p>Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Давлат солиқ қумитасининг 2001 йил 28 январь 26-сонли ва 2002-2004-сонли Буйруғидаги қойида ва кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади, шу жумладан III параграфда «Қиймати қўшилган солиғидан озод этилиши тўғрисида» айтиб ўтилган қуйидаги сўзлар асосида:</p> <p><i>«Тегишли қонунга мувофиқ, қуйидагилар қиймати қўшилган солиқ тўлашдан озод этилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"><li>• <i>Ўзбекистон Республикаси имзолаган шартнома (контрактлар) асосида халқаро ва чет эл давлат молиявий ва иқтисодий ташкилотлар томонидан берилган кредит ва грантлар ҳисобига юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон нерезидентлар, томонидан импорт қилинадиган иш ва хизматлар</i></li><li>• <i>Бюджет ташкилотлар буйруғига мувофиқ бюджет ажратмалар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт қилинадиган иш ва хизматлар.</i></li></ul> <p>Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ, <b>Пудратчи</b> томонидан <b>Жамлама сметасига</b> киритилган нархлар таркибига Ўзбекистон Республикасига тўланадиган ҚҚС кирмайди. Агар пудратчи шартномани бажариш учун ишлатиладиган жихоз, материал ва бошқа бойликларни (шу жумладан субпудратчиларнинг ёнилғи ва ҚҚС) Ўзбекистон Республикасига тўланадиган ҚҚСдан озод эта олмаса, Иш берувчи, шартнома бажариш даврида ҚҚС тўланганлиги тўғрисида асосланган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, Пудратчига маҳаллий тўланган ҚҚС миқдорини тиклаб беради. Агар пудратчи тўланадиган ҚҚСдан озод этила олмаса, Иш ҳажми жадвалига, 6 қисмга мувофиқ, Пудратчига ҚҚСни тиклаб бериш учун захира пул миқдори киритилади.</p> <p>Бундан ташқари, Шартномага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамиси 2004 йил 20 октябрь 494-сонли Қарорининг қуйидаги шарт жорий этилади: «Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган иш (хизматлар) ва (бошқа давлатларда сотиб олинган) жихоз ва материаллар лойиха муддатида (рўйхатга олиш тўловлардан озодланиши учун) божхона божларидан озод қилинади».</p> <p>Бундан ташқари, Шартномага Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси, Давлат божхона қумитаси томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 май рўйхатга олинган «Халқаро молиявий ва чет эл давлат молиявий ташкилотлар қатнашиши билан амалга ошириладиган инвестиция лойихалар доирасида Ўзбекистон Республикаси ажратган ва кафолатланган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган ва сотиб олиб келинадиган мол (иш, хизматларни) солиққа тортиш тўғрисидаги» 1366-сонли Буйруғининг асосида жорий этилади.</p>
<b>ШУШ 43.1</b>	Иш берувчи мамлакатнинг валютаси: <b>сўм</b>
<b>ШУШ 44.1</b>	«Шартноманинг умумий шартларидаги» 44 моддага мувофиқ Шартнома нархларига ўзгартириш <b><u>КИРИТИЛМАЙДИ.</u></b>
<b>ШУШ 45.1</b>	Ушлаб қолинадиган тўловлар нисбати: <b>5 (беш) фоиз</b>
<b>ШУШ 46.1</b>	Бутунлай ишларга нисбатан Бажармаслик учун жарима бир кунда <b>0,1 фоизни</b> ташкил этади. Бутунлай ишлар бўйича Бажармаслик учун жариманинг якуний шартнома миқдорига нисбатан максимал миқдори <b>10 фоиздир.</b>

<b>ШУШ 48.1</b>	Иш берувчи Пудратчидан олинган ва Иш берувчига мувофиқ бўлган шартсиз банк кафолати асосида <b>шартнома миқдорининг 25 (йигирма беш) фоизни</b> ташкил этувчи аванс тўловни амалга оширади. Аванс тўлови Пудратчига <b>Ишлар дастури, Ишлар сифатини таъминлаш режаси ва Хавфсизлик, тан-соғлиқ ва экологик муҳофаза чора-тадбирлар режасини</b> топширгандан сўнг 28 кун ўтмагач топширилади.
<b>ШУШ 49.1</b>	Бажирилиш гарантия миқдори Шартнома миқдорига нисбатан <b>10 (ўн) фоизни</b> ташкил этади.
<b>Е. Шартномани тугатиш</b>	
<b>ШУШ 55.1</b>	«Ижро этувчи чизмалар» ва техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмалар <b>Бажарилган ишлар актни имзолагандан сўнг 30 кун ўтгач</b> етказиб берилиши шарт.
<b>ШУШ 55.2</b>	«Шартноманинг умумий шартларининг» 55.1 моддасида белгиланган кунгача «ижро этувчи чизмалар» ва/ёки техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмалар таёрланиб берилмаса, ушлаб қолинадиган пул миқдори <b>беш миллион (5 000 000) сўмни</b> ташкил этади.
<b>ШУШ 56.2 (г)</b>	Кунларнинг максимал сони: <b>100 кун</b>
<b>ШУШ 58.1</b>	Иш берувчининг ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган қўшимча харажатларни ташкил этадиган <b>Бажарилмаган ишлар қийматига</b> қўлланиладиган фоиз ставкаси <b>10 фоизни</b> ташкил этади.

**ШМШ 63**

**Пудратчи** барча тегишли миллий, вилоят ва маҳаллий экологик қонун ва ҳужжатларга риоя қилиши керак.

Пудратчи барча тегишли (а) Пудратчи ходим, шу жумладан ишчи, консультант, пудратчи ва агентларига, лойиқ бўлган меҳнат қонун ва ҳужжатларга; ҳамда (б) иш жойдаги тан-соғлиқ ва хавфсизликни таъминлайдиган қонунларга мувофиқ ҳолда ишлаши керак.

Пудратчи иш жойи талабларга алоқаси бўлмаган шахсий характеристикалар асосида ишга олиш тўғрисида қарор қилмаслиги керак. Пудратчи иш жойдаги муносабатларни тенг имконият ва адолатли тартиб ғояларга асослаб, меҳнат муносабатлар жиҳатларга нисбатан камситишга йўл қўймаслиги шарт, шу жумладан ишга таклиф қилиш ва ишга олиш, компенсация (ойлик маошларни қўшиб ҳисоблаганда) тўлаш, иш шароит, ишга олиш ва пенсияга чиқариш шартлар ва дисциплина масалаларида.

Пудратчи тенг турли ёки қийматли иш учун эркак ва аёл кишиларга тенг ойлик маош тўлаши керак.

Пудратчи ҳеч қандай шаклда бўлган «мажбурий ёки зўравонлик меҳнатдан» фойдаланмаслиги керак. «Мажбурий ёки зўравонлик меҳнат» беихтиёр, яъни куч ёки жазо хавфи остида шахсни зўрлаш мақсади билан бажариладиган барча иш ва хизматлардан иборат.

Пудратчи бола меҳнатидан барча ишларда фойдаланмаслиги керак, шу жумладан иқтисодий эксплуатация деб ҳисобланадиган ёки боланинг маълумотига зарар етказиб ёки халақит берадиган, ёки боланинг тан-соғлиги ёки жисмоний, ақлий, руҳий ёки ижтимоий ривожланишига зарар кўрсатадиган меҳнатдан. «Бола» тегишли миллий, вилоят ёки маҳаллий қонунда белгиланган меъёрий минимал ёшга етмаган болани билдиради.

Пудратчи Иш берувчига ўз тадбирлари бўйича, шу жумладан ШУШ 18.2 ва мазкур ШМШ (63) да белгиланган ҳар битта мажбурият бўйича, квартал ҳисоботларни тақдим этади.